


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 24 март, № 59 (8402) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 март куни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, баҳорги экин мавсумини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Озиқ-овқат таъминоти аҳоли фаровонлигида ва инфляцияни жиловлашда энг муҳим омиллардан бири. Сўнгги йилларда озиқабоп маҳсулотлар етиштиришга 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар қўшимча ерлар фойдаланишга киритилгани ички бозорда нарх-навони барқарор сақлашга хизмат қиляпти.

Халқ дастурхони тўкин бўлиши учун давлатимиз раҳбарининг Фармони билан 2024 йил 1 январгача 35 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига божлардан имтиёз берилди. Бундан ташқари, 1 майдан ижтимоий реестрга кирган аҳолига мол, қўй ва парранда гўшти, тухум ва ўсимлик ёғи харид қилса, қўшилган қиймат солиғи қайтарилади. Бу орқали 2 миллиондан ортиқ оилага енгиллик бўлади.

Жаҳонда охирги икки йилда озиқ-овқат инфляцияси йилига 15 — 20 фоиздан пасаймаяпти. Ўсимлик ёғи, сут ва гўштнинг нархи сўнгги 30 йилдаги энг юқори даражага кўтарилган. Транспортда ташиш, ўғит ва ёқилғи харажатлари ошиб кетгани ҳам озиқ-овқат нархларига ўз таъсирини кўрсатяпти.

Таҳлилларга кўра, бу ҳолат 2023 йилда ҳам, келгуси йилларда ҳам сақланиб қолади. Шу боис озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, одамларни банд қилиш бўйича қўшимча имкониятлар топиш керак.

Йиғилишда ҳудудлардаги ана шундай имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чора-тадбирлари белгиланди.

— Озиқ-овқат етиштириш учун ҳамма шароит қилиб берилди. Бошқа қўшимча ер беришнинг иложи йўқ. Энди илм, меҳнат ва самарали технологиялар билан маҳсулдорликни ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили озиқ-овқат етиштиришга имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғ, кўчат, ўғит ва маҳсулот сотиб олишни тўғридан-тўғри молиялаштириш йўлга қўйилгани яхши самара берган эди. Жорий йилда бу мақсадга 6 триллион 200 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Жумладан, Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавотчиликка айланма маблағлар учун 700 миллиард сўм йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 130 миллион доллар маблағни тадбиркорларга тўғридан-тўғри ажратади. Бунинг учун тадбиркорлар ўз лойиҳаларини вазирликнинг шаффоф электрон платформаси орқали тақдим қилади. Ажратилган кредитнинг 20 фоизи олдиндан, қолган 80 фоизи 10 йил давомида бўлиб-бўлиб тўланади. Бунда "банк устамаси" бўлмагани туфайли кредит фоизи ҳам арзон бўлади.

Шунингдек, JICA томонидан озиқ-овқат етиштириш ва қайта ишлашга 200 миллион доллар ажратилаётгани қайд этилди.

Ушбу маблағлардан самарали фойдаланиб, янги боғлар ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, одамларни ишли қилиш борасидаги имкониятлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, пилла бир ойда энг тез тайёр бўладиган даромадли маҳсулот. Лекин туманларда бу бўйича лойиҳа кам.

Шу боис аҳолига яқин лалми ва яйлов майдонларни ўзлаштириб, пилла кластерлари ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Бу ерлар Вьетнам тажрибаси асосида одамларга 1-2 гектардан ҳам тут, ҳам озиқ-овқат экиш учун берилади. Натижада тармоқда 2 миллион аҳолини банд қилиш ва 600 миллион доллар қўшимча экспорт имконияти пайдо бўлади.

Яна бир фойдаланилмаётган манба — дала ва коллектор-дренажлар атрофидаги ерлар. Бундай жойларни аниқлаб, фермер хўжалиги ишчилари ва эҳтиёжманд аҳолига ижарага бериш мумкинлиги айтилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда кластер, фермер ва деҳқонлардан 11 мингга яқин техника ва агрегатларга талаб шакллантирилган. Шу боис 1 апрелдан маҳаллий ишлаб чиқарилган барча техникалар харидиучун 15 фоиз субсидия бериладиган бўлди. Импорт қилинган техникалар уч йил муддатга божхона божи ва утилизация йиғимидан озод қилинади, улар бўйича қўшилган қиймат солиғини кечиктириб тўлашга рухсат берилади. Техника хариди учун 10 йил муддатга 10 фоизлик кредитлар ажратилади. Мутасаддиларга буни молиялаштириш бўйича топшириқ берилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига кўп импорт бўлаётган 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини юртимизда ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Иқтисодий воситаларни қўллаб, деҳқонлар ва тадбиркорларга қулай шароитлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тадбиркорларнинг фикрлари эшитилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ИСТЕЪМОЛ БОЗОРЛАРИДА НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш, товарлар таъминотининг глобал занжирларини диверсификациялаш ҳамда инфляция даражасини жиловлаш мақсадида:

1. **2024 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда **божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган товарлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги "Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-145-сон Фармонида:

1-банддаги ва 1-илованинг номланишидаги "2023 йил 1 июлга қадар" сўзлари "2024 йил 1 январга қадар" сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги "2023 йил 1 январга қадар" сўзлари "2024 йил 1 январга қадар" сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев) **бир ой муддатда**:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини республика ҳудудига олиб киришда давлат назоратидан ўтказиш жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳамда уни хавфни таҳлил қилиш тамойили асосида йўлга қўйиш;

импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган кундалик истеъмол товарлари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 23 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## АҲОЛИГА МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАРНИ ТЎЛАШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ҲАМДА СОҲАДА КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ва жарима юкини камайтириш, қўлланилган жарималарни ижро этиш тизимини янада соддалаштириш, шунингдек, давлат органларининг аҳоли билан муносабатларида ортиқча бюрократик тўсиқларни ва коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида:

1. **2023 йил 1 май**дан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани **ихтиёрий тўлаш тизими янада соддалаштирилсин**. Унга кўра:

ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг **50 фоизи**ни, ўттиз кун ичида **70 фоизи**ни ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг **қолган қисмини тўлашдан озод қилинсин**;

мазкур тартиб **суд қарорларига** асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта** муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

2. Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасида **суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш** ҳамда **фуқаро ва тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш** мақсадида белгилансинки:

Мажбурий ижро бюроси томонидан қўлланиладиган **маъмурий жариманинг миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмас**;

Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга **фақат** Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари **ҳақлидир**.

Бош прокуратура **бир ой** муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

3. Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг судланганлик муддатининг тугалланиши ва уни олиб ташлаш йўналишида бюрократия ва сансалорлик ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида соҳага **проактив шаклдаги давлат хизматларини кўрсатиш** тамойилларини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 сентябр**дан бошлаб:

а) судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг "Тезкор маълумотлар" ягона ахборот тизимида автоматик равишда **онлайн шакллантирилади**;

б) судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланганлиги ҳақидаги **маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган сананинг эртасидан кечиктирмасдан** тегишли шахснинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги **шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади**.

Ички ишлар вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар мазкур банд ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча зарур чораларни кўрсин.

Бунда, жумладан, "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизимида қуйидаги маълумотлар автоматик равишда акс эттирилишини таъминлаш йўлга қўйилсин:

Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали **судда ихтиёрий тўланган жарималар**, суд қарорларини **ижро этишда юзага келадиган масалаларни ҳал этиш** билан боғлиқ материалларнинг кўрилиши ҳақидаги маълумотлар;

Мажбурий ижро бюроси ва Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали **ундирилган жарималар ҳақидаги маълумотлар**;

"Пробация ҳисоби" электрон базаси билан "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизимини ўзаро интеграция қилиш орқали **пробация ҳисобидан озод этилган шахслар ҳақидаги маълумотлар**.

4. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов, Олий суд раиси Б.Д.Исламов ҳамда Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 23 март

# ОРОЛ ДЕНГИЗИ УМИД ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИГА АЙЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон делегацияси БМТнинг тарихий конференциясида иштирок этди.**

22 — 24 март кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида тузилманинг Сув масалалари бўйича конференцияси ўтказилмоқда. Унда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида обиҳаёт орқали дунёни бирлаштириш, сайёрамиз фаровонлигида денгиз ва океанларнинг аҳамияти, бу борадаги глобал ташаббуслар БМТга аъзо барча мамлакатлар, ихтисослаштирилган идоралар томонидан нуфузли спикерлар иштирокида кўриб чиқилмоқда.

Халқаро ҳамжамият 45 йиллик танаффусдан сўнг илк маротаба бундай конференцияда жам бўлди. Чунки масала ниҳоятда долзарб: 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг 5 миллиард кишиси сув танқислигидан азият чекиши мумкин. Ўзбекистоннинг ҳам бу борада айтар сўзи ва таклифлари, салмоқли тажрибаси бор. Чунки катталиги бўйича ўз вақтида дунёда 4-ўринда бўлган Орол денгизи Ўзбекистонда жойлашган ва унинг бугунги тақдири фақат бизгагина эмас, балки бутун халқаро ҳамжамиятга дахлдор масала.

Қолаверса, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳар гал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий даражадаги йиғилишларида иштирок этар экан, айнан шу муаммони кўтарди ва бу йўналишда муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Конференция ишида тузилмага аъзо 198 мамлакат қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

23 март куни конференциянинг юқори даражадаги ялпи мажлисида мамлакатимиз делегацияси аъзоси Саида Мирзиёева нутқ сўзлаб, БМТ минбаридан Орол денгизи фожиасининг оқибатлари, уларни юмшатиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва бу борадаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда мамлакатимизнинг етакчилиги хусусида сўз юритди.

Саида Мирзиёева Оролбўйидаги Мўйноқ илгари йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга порт шаҳар бўлгани, кейинчалик мувозанат бузилиб, денгизнинг ўлик қирғоқлари кемалар қабристонига айланганини таъкидлаб, қорақалпоқ элининг атоқли шоири Иброҳим Юсупов ижодидан денгизнинг кўз очиб юмгунча саҳрога айланиши тасвирланган сатрларни ўқиб берди.

— Орол денгизининг инқирози инсониятнинг атроф-муҳитга эътиборсизлиги оқибатлари ҳақида даҳшатли эслатмадир. Бироқ ғамхўр одамларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у яна умид ва янгиланиш рамзига айланмоқда, — деди Саида Мирзиёева.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро даражада қўллаб-қувватланиб, 2021 йилда БМТ Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш ҳақидаги резолюция қабул килингани, сал аввалроқ — 2018 йилда Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фондига асос солингани қайд этилди.

Давлатимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, минтақани молиялаштириш, иқтисодий салоҳиятини ошириш, асосийси, матонатли қорақалпоқ элининг саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил боғларни яратиш учун 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилгани айтилди.

Фожиа оқибатларини бевосита ўз бошидан кечираётган Қорақалпоғистон халқининг матонати, меҳнатсеварлиги, яратувчанлиги алоҳида эътироф этилди. Минтақанинг оғир шароитида, айниқса, аёллар кучли ғамхўрлик ва кўмакка муҳтожлиги, улар учун имкониятларни кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Сўзининг якунида Саида Мирзиёева халқаро ҳамжамиятни глобал сув масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган Орол фожиаси оқибатларини юмшатишда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни давом эттиришга чақирди.

22 март куни БМТнинг Сув масалалари конференцияси доирасида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этиладиган Aral Culture Summit — Орол маданият саммити лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди. Бу маҳаллий ва халқаро ҳамжамият, етакчи олимлар, архитекторлар, рассом ва дизайнерларни бирлаштирадиган янги институт.

Орол маданияти саммити доирасида ёш авлодни минтақадаги вазиятни яхшилашга ҳисса қўшадиган кўникмаларни шакллантиришга ундайдиган таълим ва алмашинув дастурлари, стипендиялар ва стажировкалар уюштирилади.

Шунингдек, саммит доирасида биодизайн ферма-лабораторияси ташкил этилади. Лойиҳа доирасида минтақани сув билан таъминлаш, янги экин турларини яратиш, шунингдек, ҳудудда шўрланишни камайтириш бўйича турли технологиялар ўрганилади ва ишлаб чиқилади.

➡ 2

**Марказий сайлов комиссиясида**

## РЕФЕРЕНДУМНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

*Шу йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёни Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартиб-тамойиллар асосида изчиллик билан мувофиқлаштириб борилмоқда.*

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 16 мартдаги мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида 14 та референдум округи ташкил этилган эди.

➡ 2

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор тубдан кучайди. Уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Юртимизда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишида уларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш талаб этилади.

➡ 2

**Дунё нигоҳи**

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ОРТГА ҚАЙТМАСЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИДИР**

**Марказий Осиё экспертлари Ўзбекистон Асосий Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида.**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакилларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу табиий, чунки минтақадаги ҳар бир давлатда кечаётган сиёсий жараёнлар унинг умумий ривожига таъсир қилмай қолмайди.

Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан мулоқот ва яхши қўшничилик сиёсатини изчил амалга ошираётгани туфайли сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий муҳит сезиларли даражада ўзгарди. Мамлакатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкамланди, кўп йиллик муаммолар ҳал қилинди, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли кенгайиб бормоқда.

➡ 3

# ОРОЛ ДЕНГИЗИ УМИД ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИГА АЙЛАНМОҚДА



1 Саммит ижодкорларни маҳаллий фермерлар билан бирлаштириб, янги ўсимликлар етиштириш учун биодизайн соҳасида барқарор алоқаларни ўрнатиши ва шу орқали келгуси 10 йилга мўлжалланган стратегик режани ишлаб чиқиши маълум қилинди. Бу маҳаллий ҳамжамиятда улкан ўзгаришлар учун замин яратади.

Бўлажак саммитнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти конференция доирасида ўтган "Сув ҳамкорлик учун: сув ресурслари соҳасида трансчегаравий ва халқаро ҳамкорлик, сув соҳасидаги тармоқлараро, шу жумладан, илмий алоқалар ҳамда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш кун тартибининг сувга оид мақсадларига эришиш" мавзуидаги сессияда ва жамғарма томонидан халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилган "Санъатдан — ҳаракатга: Оролбўйи минтақасининг қайта тикланиши учун саҳрони ўрмонга айлантириш" мавзуидаги панель муҳокамасида батафсил очиб берилди.

Шунингдек, БМТ конференциясида иштирок этиш асносида Нью-Йорк шаҳрида АҚШдаги ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Нью-Йорк мэри Эрик Адамс ҳам иштирок этди.

Саида Мирзиёева йиғилганларни Наврўз байрами билан табриклади, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб берди.

Самимий суҳбатда ватандошларимиз она юрти билан алоқаларини узмаётгани, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётгани, турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги маданий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани хусусида сўз юритилди.

**ЎзА.**



# ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАЛАР

1 Хусусан, бугунги кунда хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб муаммолар юзага келяпти. Жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Шу билан бирга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер муддати (30 кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилиш имконини бермайди. Алимент тўлолмаган шахсларга жазо сифатида жарима тайинланиши янада моддий қийинчиликларга олиб келаётир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан номусга тегиш ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш, уларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиш, вояга етмаган шахс иштирокидаги порнографик маҳсулотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар учун жазо чоралари оғирлаштирилмоқда.

Мазкур жиноятларни содир этган шахслар учун жазо тайинлашни енгиллаштирувчи ҳолатлар, шу жумладан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш тақиқланяпти.

Ногиронлиги бўлган шахсларга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизликка ва эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик, шунингдек, ушбу жиноятларни жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ёки унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан содир этилиши борасидаги жавобгарлик кучайтирилаётир.

Яна бир муҳим янгилик, оилавий (маиший) зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритилмоқда. Хусусан, хотин-қизлар ҳамда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг замонавий халқаро нормалар ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, жисмоний зўравонлик билан бир қаторда иқтисодий ҳамда руҳий зўравонлик учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни, номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик, шаҳвоний шилқимлик, вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш борасидаги мажбуриятларини бажармаслик каби ҳаракатлар учун жавобгарлик киритиляпти. Алимент мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи чора сифатида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб қилиш каби янги маъмурий жазо чораси киритилмоқда.

Шу билан бирга, илгари вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларни содир этган шахсларнинг болаларга таълим, тарбия бериш, уларни соғломлаштириш, болалар спорти, ижодий ташкилотларида ишлашини тақиқловчи норма киритилаётир.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хотин-қизлар ва болаларнинг тазйиқ ҳамда зўравонликка учрашининг олдини олиш, оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# РЕФЕРЕНДУМНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

1 Кеча бўлиб ўтган Марказий сайлов комиссияси мажлисида қонун талабларидан келиб чиқиб, референдумга тайёргарлик кўришдаги навбатдаги масала — референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузиш масаласи кўриб чиқилди.

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунга кўра референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзолигига номзодлар дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида атрофлича муҳокама қилинди ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ушбу тавсияларга асосланган ҳолда ҳамда қонун талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида референдум ўтказувчи 14 та округ комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва уларнинг таркиблари тасдиқланди.

Қонунга мувофиқ округ комиссиялари таркибига сайловлар ҳамда референдум ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар, шу жумладан, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, журналистлар ва бошқа касб вакиллари киритилган.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари жами 266 нафар аъзодан иборат бўлиб, шулардан 112 нафари, яъни 42 фоизи аёллардир. Округ комиссиялари раҳбар (раис, раис ўринбосари ва котиб) лавозимларида аёллар 38 фоизни ташкил этмоқда. Илк бор округ комиссиялари раислигига икки нафар аёл тасдиқланди.

Округ комиссиялари таркибида ногиронлиги бўлган шахслар 5 фоизлик кўрсаткичда. Комиссиялар аъзоларининг 6,0 фоизи ёшлар вакиллари, 58,3 фоизи 31 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқаролардан иборат.

Шунингдек, мажлисда сайлов ёки референдум участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизматни жорий қилиш ҳамда комиссия ҳузуридаги тезкор ахборот бериш маркази фаолиятини йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Референдум жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳамда референдумда овоз берувчи фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали референдум участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартибини жорий этиш чоралари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тезкор ва самарали кўриб чиқиш, фуқароларга референдумни ўтказишга оид масалалар юзасидан тезкор ҳамда қулай тарзда ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериш, уларнинг референдум қонунчилиги бўйича хабардорлик даражасини, ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ҳузурида тезкор ахборот бериш маркази ташкил қилинди.

Кун тартибидан ўрин олган барча масалалар Марказий сайлов комиссияси аъзолари томонидан кенг муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭЗГУЛИК ВА НАФОСАТ ТИМСОЛИ

*Янгиланиш айёми Наврўз — табиатда ўзгаришлар бошланган, тун билан кун тенг келган пайт, янги кун ҳисобланади. Инсоният бой маданий меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган Наврўз табиат уйғониши, ҳаёт тантанасини ифодалайди.*

**Акс садо**

Наврўз инсониятнинг ўзи қадар қадимий ва боқий байрам. Ҳозирги кунда Наврўз ўттиздан зиёд мамлакатларда байрам қилинади. Ўндан ортиқ давлатларда эса расмий мақомда тантаналар ўтказилади. Шу боис Наврўзни ЮНЕСКО 2009 йили Инсониятнинг номоддий мероси рўйхатига киритди. 2010 йилда эса БМТ 21 мартни "Халқаро Наврўз куни" деб эълон қилди.

Халқимиз ҳаётида ҳам Наврўз байрамининг тутган ўрни, завқи бўлакча. Негаки, бу ардоқли байрам киши руҳиятига қишдан сўнг навбаҳор шодлигини, баҳорий уйғониш ва илиқликни олиб киради.

Бу хосиятли байрам кунлари ёлғиз қариялар ва ногиронлиги бўлганлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилади. Байрамга атаб оилаларда махсус баҳор таомлари, яъни ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, жағ-жағ ва бошқа кўкатлардан сомса, патир ва кўкчучваралар тайёрланади. Айниқса, сумалак сайли алоҳида кўтаринкилик билан кутиб олинади.

Наврўзда донишманд аждодларимиз заминга етти хил экин уруғини қадашган ва уларнинг униб чиқишига қараб, йилнинг қандай келишини олдиндан тахмин қила олган. Ушбу айём ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний ғоялари билан башарият ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгаллаётир. Янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Шу жиҳатдан, ушбу байрамни халқимиз ўзгача руҳ, кўтаринкилик билан қарши олади. Ҳовли-жойлар тозаланади, маҳалла, кўча, хиёбон ва атроф-муҳит ҳашар йўли билан ободонлаштирилади, кўчатлар ўтқазилади.

Бу йил ҳам байрам арафасида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизнинг ҳамма ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман, шаҳар ва вилоятларда ободончилик, кўкаламзорлаштириш бўйича умумхалқ ҳашарлари ўтказилди. Ушбу байрам янги Ўзбекистоннинг ўзига хос гўзал қадриятлари ва ютуқларини яна бир бор намоён этди.

Давлатимиз раҳбарининг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида айтиб ўтилганидек, бу йилги хосиятли Наврўз юртимизга кўплаб қувончли воқеалар, қўшалоқ байрамларни бошлаб келмоқда.

Ниятимиз — ўз руҳи ва фалсафаси билан ҳаётимизга сингиб кетган Наврўз айёмида ҳар бир хонадонга, бутун элу юртимизга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака кириб борсин!

**Одинахон ОТАХОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

*Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман ташкил этилганининг 28 йиллиги нишонланди. Ушбу институт Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб бизнинг юртимизда таъсис этилган.*

*Инсон шаъни, қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий таянч устунларидан ҳисобланади. Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатимизда Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамияти сезиларли даражада ошиб бораётир.*



**Ҳамкорлик**

Ўтган давр мобайнида Омбудсман фаолиятининг институционал асослари такомиллаштирилди. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини ҳамда ҳудудлардаги иштирокини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Муҳими, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўлида ташланган қадамлар бугуннинг ўзида судлар ва Омбудсманнинг ўзаро ҳамкорлигига ижобий таъсирини кўрсатаётир.

Конституциямизга мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, Омбудсман суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди. Аммо Омбудсман томонидан ушбу йўналишдаги мурожаатлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида ўрганилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилади.

Мисол учун, 2022 йилда Омбудсман томонидан Олий судга 1 минг 600 дан ортиқ мурожаатлар юборилган бўлиб, Омбудсман томонидан кўриб чиқилган жами мурожаатларнинг 9,2 фоизини ташкил этган. Мазкур мурожаатларнинг ҳар бири судлар томонидан алоҳида ўрганилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилган.

Хусусан, Олий судга юборилган мурожаатларнинг 76 фоизи умумий мазмунда бўлиб, улар бўйича фуқароларга тегишли тушунтиришлар берилган. Қолган 24 фоиз процессуал тартибдаги мурожаатлар судлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этилган.

Қонунга кўра Омбудсман фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ҳамда даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ушбу муҳим ваколат фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Омбудсман мазкур имкониятдан кенг фойдаланмоқда. Мисол учун, ўтган йилда Омбудсман томонидан судларга фуқаролар манфаатида киритилган даъво аризалари сони 2021 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ошган. Буларнинг барчаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат беради.

Ўтган йилда Омбудсман томонидан фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий судларга жами 78 та ариза ва даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан 75 таси ёки 96 фоизи қаноатлантирилган.

Судлар томонидан ушбу ишларни кўриб чиқиш натижасида:

— 4 нафар фуқаро ишга тикланган;

— 7 нафар фуқаронинг иш стажи қайта ҳисоблаб чиқилиб, пенсия миқдори оширилган;

— 11 нафар фуқаронинг ўлим факти, 14 нафар фуқаронинг зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлиги факти, Мурувват уйида яшовчи 27 нафар шахснинг туғилганлиги факти белгиланган.

— 8 нафар фуқарога иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ жами 235 млн. сўм тўловлар ундириб берилган.

Омбудсман вакиллари 2021-2022 йилларда фуқароларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлари асосида суд мажлисларида жами 151 маротаба кузатувчи сифатида иштирок этган. Жумладан, жиноят судларида 45, маъмурий судларда 11 ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисларида 95 маротаба қатнашган. Бу, ўз навбатида, суд жараёнларининг очиқ ҳамда шаффоф ўтаётганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишида ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмаслигини англатади.

Ҳудудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб доимий асосда фаолият юритиб келаётган Омбудсманнинг минтақавий вакиллари юқорида айтиб ўтилган жараёнларда фаол иштирок этиб келаётганини урғулаш жоиз.

Ўзбекистонда Омбудсман институти тарихан қисқа даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг ажралмас қисмига айланди. Омбудсман томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари судлар орқали ҳал этилганининг аниқ мисоллари кўп.

Масалан, 2022 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган 16 нафар маҳкума аёлнинг шикоятлари кўриб чиқилган. Суд жараёнида Омбудсман ўз фикрини билдириб, маҳкума аёллар жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзининг ижобий хислатларини намоён этганлигини эътиборга олишни сўраган.

Натижада суд ажрими билан 14 нафар аёл жазодан озод қилинган. Улар оиласи, яқинлари бағрига қайтарилган, 2 нафар маҳкума аёлнинг жазолари эса енгиллаштирилган.

Бошқа бир мисол: Омбудсман фуқаронинг манфаатида фуқаролик судига компенсация пулини ундириш тўғрисида даъво аризаси киритган. Ушбу аризанинг суд томонидан қаноатлантирилиши натижасида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкасининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқаро фойдасига 77 млн. сўм компенсация пули ундирилган.

Омбудсман томонидан қурилиш корхоналарида ишлаган фуқаролар манфаатида юридик шахслар устидан фуқаролик судларига шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши ва пул ундирилиши ҳақидаги даъво аризалари киритилган. Натижада суд қарорлари билан жавобгарлардан фуқаролар фойдасига 194 млн. сўм миқдорида пул маблағлари ундирилган.

Яна бир фуқаро Омбудсманга мурожаат қилиб, футбол клубида ишлаган турли даврлари учун иш ҳақлари берилмаётганини билдирган. Омбудсман томонидан судга даъво аризаси киритилиб, суд қарорига асосан жавобгардан фуқаро фойдасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда маънавий зарар учун жами 101 млн. сўм миқдорида пул ундирилган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, Омбудсман суд қарорларининг ижро этилиши бўйича ҳам салмоқли ишлар олиб бормоқда. Вакилнинг давлат органларига киритган сўровлари ва хулосалари асосида суд қарорлари ижроси таъминланиб, ноҳақ ишдан бўшатилган ходимлар ишга тикланган, Мажбурий ижро бюроси орқали алимент пуллари ёки моддий зарарлар ундирилишига эришилган.

Айтиш керакки, Олий суд ҳамда Омбудсман қонун ижодкорлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьялар малакасини ошириш ва халқаро мажбуриятларни бажариш каби турли йўналишларда яқиндан ҳамкорлик олиб боради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келяпти. Мазкур халқаро ҳужжатлардаги мажбуриятларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури асосида Олий суд ҳамда Омбудсман ўзаро ҳамкорликда изчил иш олиб бормоқда.

Шу мақсадда Омбудсман халқаро конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг уюштирилишига доимий равишда ташаббускорлик кўрсатаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, ўтган йили Омбудсман, Олий суд, бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонда озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил чораларини қўллаш бўйича мавжуд амалиётни ўрганишга бағишланган минтақавий конференция ҳамда судьялар учун ўқув-семинарлар ўтказилган.

Олий суд қонунчилик ташаббусига эгадир. Шу жиҳатдан қабул қилинаётган қонун лойиҳалари юзасидан Омбудсман тақдим этган инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ таклиф ва хулосалар эътиборга олинаётир. Шунингдек, Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳалари Омбудсманга таклиф ҳамда мулоҳазалар учун тақдим этилмоқда. Унинг Пленум мажлисларида қатнашиши таъминланяпти.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ўзаро ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишларидан биридир. Жорий йил февраль ойида "Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги" доирасида бўлиб ўтган "Судья ва ёшлар" ҳуқуқий тарғибот тадбирларида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

Умуман олганда, Омбудсман ҳамда судларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Робахон МАҲМУДОВА,**
**Олий суд раисининг биринчи ўринбосари.**

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ОРТГА ҚАЙТМАСЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИДИР

◄1

**Гульмира ИЛЕУЛОВА, социолог, «Стратегия» ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар маркази» жамоат фонди раҳбари (Қозоғистон):**



— Конституцияга киритилган ўзгартишларнинг энг муҳим қисми ижтимоий блокдир. Таклиф этилаётган ўзгартишларга кўра давлат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Фуқароларга таълим олиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқи кафолатланади. Аҳолига давлат томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар кўламининг кенгайтирилиши ўртача умр кўриш сифати ва кўпайишига, болалар ва оналар ўлимининг камайишига хизмат қилади. Бу Ўзбекистонда дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида риоя этиладиган меъёр ва стандартларга мувофиқ тўлақонли «welfarestate» қуриш йўлидаги жиддий қадамдир.

Мамлакат иқтисодий тизимини модернизация қилишга қаратилган тузатишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилган либерал иқтисодий ислоҳотларни Польшадаги Лешек Бальцерович, Словакияда Иван Миклош ва урушдан кейинги Германияда Людвиг Эрхард ислоҳотлари билан ҳозирданоқ тенглаштириш мумкин. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича таклиф этилаётган ўзгартишлар нафақат бу ислоҳотларни қонунийлаштиради, балки уларни янада мустаҳкамлайди. Бу эса Ўзбекистоннинг келгуси йилларда жадал иқтисодий юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Виктор КИМ, Тожикистон Миллий Фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти илмий ходими:**



— Ўзбекистон ўзининг улкан кўлами ва демократик ислоҳотларнинг жадал жараёнлари билан нафақат жаҳон ҳамжамиятининг доимий эътиборини тортмоқда, балки давлат қуришнинг ноёб тажрибаси билан ҳам тарихга муносиб кира олади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган дадил ва кенг кўламли туб ўзгаришлар нуқтаи назаридан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2022 йил бошида бошланган конституциявий ислоҳотларни бу борадаги ўзига хос ўзбек тажрибаси сифатида баҳолаш мумкин.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси собиқ иттифоқ ҳудудида энг яхшиларидан бири бўлиб, ёш республика янги давлатчилигининг шаклланишида ўзининг тарихий ролини бажара олди.

Замонавий дунё тез ўзгармоқда, замонавий Ўзбекистон ҳам у билан бирга ўзгариб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 8 декабрь — Конституция куни муносабати билан йўллаган табригида конституциявий ислоҳот Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти ва мантиғи, халқнинг хоҳиш-истаклари ҳамда таклифларидан келиб чиққанлигини алоҳида таъкидлади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ўзгаришлар кўлами шунчалик катта бўлиб, улар, энг аввало, «инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни ва қадр-қимматини олий қадрият сифатида ҳимоя қилиш»га қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қолаверса, Ўзбекистон раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишда Конституцияга ўзгартишларни умумхалқ референдуми орқали қабул қилишни таклиф этиб, дадил қадам ташлади. Ўзбекистон Президенти халққа ишонади ва Конституция чинакам халқчил бўлиши керак. Менимча, унинг умидлари оқланди.

Янги Конституцияда «Инсон — жамият — давлат» асосий тамойил сифатида мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинди, яъни замонавий Ўзбекистон ривожланиш даражасига етдики, давлат кафолатлар эълон қилишдан бошлаб, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини таъминлаш бўйича амалий ҳаракатларга ўтиши мумкин. Шу билан бирга, энг кам иш ҳақи инсоннинг муносиб турмуш тарзини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Конституция фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилади, масалан, фуқаронинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонун ҳужжатларидаги ноаниқликлар эндиликда шахс фойдасига талқин этилади.

**Гузел МАЙТДИНОВА, Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори (Тожикистон):**



— 30 апрель куни Ўзбекистонда Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича референдум бўлиб ўтади. Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси чоғида уни такомиллаштириш бўйича 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Бундан ташқари, ҳужжат халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланиб, 10 га яқин хорижий ва халқаро экспертизалардан ўтган.

Амалдаги конституциявий ислоҳот давлатни янада ривожлантириш ва янги Ўзбекистон қурилиши учун ишончли мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади, шунингдек, Асосий Қонунни мамлакатдаги замонавий жараёнларга мослаштиради.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал-ҳуқуқий базасини янги дунё тартибини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда янгилаш ва такомиллаштириш ҳам ислоҳотларда долзарб деб ҳисоблайман. Асосий Қонунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсати тўғрисидаги моддани киритиш ҳақидаги таклифи ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, мамлакат ташқи сиёсати инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳудудий яхлитлик тамойиллари ва нормаларини ҳурмат қилишга асосланади. Лойиҳада Ўзбекистон халқаро муносабатларда ҳам яхши қўшничилик ва стратегик ҳамкорликка содиқ қолиши алоҳида таъкидланган. Урғулаш жоизки, мамлакат Асосий Қонуни лойиҳасига сингиб кетган бағрикенглик, очиқлик ва яхши қўшничилик руҳи Ўзбекистонга қўшни давлатлар учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

**Калимаш БЕГАЛИНОВА, Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университетининг Маданиятшунослик ва диншунослик кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори:**



— Ўзбекистонда Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бўлиб ўтди ва келиб тушган кўплаб таклифлар асосида лойиҳа якунига етказилди. Ўзбекистон Конституциясига ўзгартишлар киритиш зарурати мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётидаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ.

Конституциявий ислоҳот жамиятни мустаҳкам ғоя — янги Ўзбекистон, чинакам суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат қуриш ғояси атрофида бирлаштиради.

Конституцияда асосий эътибор аҳолининг барча қатлами манфаатларини ҳисобга оладиган асосий қадриятларга ва қонун устуворлигига қаратилган.

Қонун лойиҳасига кўра, Конституция матнининг 65 фоизи янгиланмоқда, ундаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, конституциявий нормалар 275 тадан 434 тага кўпайтирилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид нормалар эса уч ярим баробар ошди. Биринчи марта ёзишмалар, телефон суҳбатлари, почта жўнатмалари, электрон хабарлар ва бошқа маълумотларни сир сақлаш ҳуқуқи фақат суд қарори билан чекланиши мумкин. Ҳар бир фуқаронинг уй-жойга бўлган ҳуқуқи ва уй-жой қурилишини давлат томонидан рағбатлантириш ҳам биринчи марта Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиляпти.

Лойиҳанинг инновацион жиҳати шундаки, таълим муҳим стратегик ресурс сифатида қаралмоқда. Давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим ҳамда тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиши шарт, бошланғич касб-ҳунар таълими эса бепул бўлади. Илк бор ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсишига ғамхўрлик, ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва обрў-эътиборини оширишга қаратилган нормалар жорий этилмоқда.

Асосий Қонуннинг ушбу ва бошқа кўплаб қоидалари мамлакатингизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлардан далолатдир.

**«Дунё» АА.**

---

**Муносабат**



*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.*

*Рамазони шарифни қут-барака ойи қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Ушбу ойни яхшиликлар мавсуми дея уни ғанимат билишга чақирган Расул алайҳиссаломга салавоту саломларимиз бўлсин.*

*Президентимизнинг 2023 йил 21 мартдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори бутун халқимизни ниҳоятда хурсанд қилди. Зеро, кейинги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосида ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳамоҳанг ва уйғун ҳолда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда қадимий тарихимиз ва бой маданиятимизга, юксак инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассам қилган миллий ва диний қадриятларимизга таянилиши табиийдир. Айниқса, эл-юртимиз доимо орзиқиб, катта хурсандчилик билан кутиб оладиган, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муқаддас Рамазон ойининг бу борада алоҳида ўрни ва аҳамияти бор.*

# МУБОРАК ОЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Шу боис қарорда бутун дунё мусулмонлари қатори халқимиз учун эзгулик, меҳр-мурувват, саховат, олийжаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Чунончи ҳудудларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган одамийлик, инсон шаънини улуғлаш, яхшилик ва меҳру саховат каби фазилатларни намоён этадиган, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаш, оила ва маҳаллаларда, бутун юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Машҳур саҳоба Салмони Форсий розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: “Шаъбон ойининг охирги кунида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга шундай хутба ўқидилар: *“Эй инсонлар! Улуғ ва муборак бир ойнинг сояси устингизга тушди. Шундай бир ойки, унда минг ойдан афзал бир кеча бор”* (Имом Байҳақий ривояти). Шукрки, Яратган ана шундай муборак ойга бизларни етказди. Юртдошларимиз Рамазон ойини кўтаринки кайфиятда, катта тайёргарлик ила кутиб олди. Моҳи Рамазонда адо этиладиган солиҳ амаллар эвазига мўмин-мусулмонлар улкан ажр-савобга эришади. Аллоҳ таоло фарз қилган рўза тутилади, масжидларда таровеҳ намози ўқилади ва хайрия ишлари амалга оширилади.

Қувонарлиси, бу йил юртимизда 1500 дан зиёд масжидларда таровеҳ намозларида хатми Қуръон ўқилмоқда. Жорий йилда Рамазон ойининг 27 куни давомида масжидларда Каломуллоҳнинг саҳифалари бир хил ададда ўқиш анъанаси жорий қилинади.

Аллоҳ насиб этса, барча масжидларда Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси, яъни “Қадр” кечаси куни хатми Қуръонлар якунланиб, бир вақтнинг ўзида бир неча миллион халқимиз Ҳақ таологa дуо қилади. Мана шундай жамулжам илтижолар ижобатидан, юртимиз янада равнақ топади, ҳаётимиз фаровон бўлади, инша Аллоҳ.

Дарҳақиқат, бу муборак ойда санаб адоғига етиб бўлмас фазилатлар, дуолар қабул бўладиган ифтор вақти, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишга восита бўлувчи таровеҳ намози ва минг ойдан афзал бўлган “Қадр” кечаси бор. Ҳар бир мўмин банда бу улуғ ойга етганда гуноҳлардан тийилишга, савоб амалларни бажаришга, атрофдагиларга яхши муомалада бўлишга интилади. Чунки бу ойда қилинган ҳар бир солиҳ амалнинг даражаси бошқа ойларникидан улуғдир. Ҳадиси шарифда *“Бу шундай ойки, Аллоҳ унинг рўзасини фарз қилди, кечасини ибодат билан ўтказишни ихтиёрий — нафл қилди. Ким унда ихтиёрий равишда бир яхши иш қилса, худди бир фарзни адо этгандек бўлади. Ким унда бир фарзни адо этса, худди етмишта фарзни бажаргандек бўлади. У сабр ойидир, сабрнинг савоби эса жаннатдир. У дўстлик, кўнгил овлаш ойидир”* (Имом Байҳақий ривоят қилган).

Рамазон — Қуръон ойидир. Аллоҳ таолонинг каломи айнан шу ойда нозил бўлган. Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади: **“Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят манбаи ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир”** (“Бақара” сураси, 185-оят).

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойида мўмин кишининг ризқи зиёда бўлиши, хонадони файзу баракага тўлиши ҳақида бундай марҳамат қилганлар: *“Бу ойда Аллоҳ мўминнинг ризқини кўпайтиради”* (Имом Байҳақий ривояти). Бу ҳақда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят этилган ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга башорат бериб: “*Сизларга Рамазон ойи келди. У муборак ойдир. Аллоҳ сизларга унинг рўзасини фарз қилди. Унда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади, шайтонлар кишанланади. Унда минг ойдан яхши кеча бор. Ким унинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ,* (барча яхшиликлардан) *маҳрум бўлибди”,* дедилар” (Имом Аҳмад ривоят қилган).

Рамазон ойининг кундузлари қандай фазилатли бўлса, кечалари ҳам шундай фазилатлидир. Сарвари коинот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг марҳамати шуки: *“Албатта, Аллоҳ таоло сизларга Рамазоннинг рўзасини фарз қилди, мен эса унинг кечаларини ибодат билан ўтказишни сизларга суннат қилдим. Ким имон билан, савоб умидида унинг рўзасини тутса ва кечаларини ибодат билан ўтказса, онадан янги туғилган чақалоқдек гуноҳлардан пок бўлади*” (Имом Насоий ривоят қилган).

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қайси дин вакили бўлишидан қатъи назар, барча юртдошларимизга виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Бу янгиланаётган Конституциямизда ҳам акс этмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир дин вакилининг ибодати, диний тадбир ва маросимларни эмин-эркин ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, мўмин-мусулмонлар ҳам бу борада ҳамма имкониятларга эга.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар, янги очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой очаётган қадамжолар ва кўпайиб бораётган Қуръони карим курслари мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда. Ўтган 5-6 йилнинг ўзида 70 дан зиёд янги масжидлар очилди. Ҳажга борувчилар сони ўтган йили 12 минг нафардан ошди, умра зиёратчилари сони қарийб 100 мингга яқинлашди. Бу рақамлар жорий йилда янада ошади, инша Аллоҳ.

Ислом дини таълимотларини илмий асосда ўрганиш борасида Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолият олиб бормоқда. Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий, Тошкентда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ишламоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 500 йиллик тарихга эга бўлган Мир Араб мадрасасининг мутлақо янги андозадаги фаолияти соҳа учун замонавий фикрлайдиган, динимиз моҳиятини чуқур тушунадиган, бугун замон олдимизга қўяётган муаммоларни ҳал этишга салоҳиятли мутахассисларни етиштириб чиқаришда намуна бўлмоқда.

Ўтган қисқа фурсатда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк аждодларимизнинг юзлаб асарлари она тилимизга таржима қилиниб, маърифатга интилувчи халқимизга тақдим этилди. Бу ишларнинг барчаси халқимиз динимиз моҳиятини тўғри тушуниб, ҳақиқий ислом нимаю, дин ниқобидаги ёт ғоялар нима эканини теран англашига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг Саудия Арабистони ва Миср Араб Республикасига ташриф буюриб, ушбу мамлакатлар раҳбарлари билан диний-маърифий жабҳада ҳам қатор келишувларга эришгани соҳадаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтармоқда.

Шунингдек, бир неча йиллардан буён Аллоҳнинг байтини зиёрат қилиш орзусида юрган кам таъминланган оилалар вакилларини бепул умра сафарига юбориш таклифи маъқуллангани чинакам тарихий воқеа бўлди.

Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришига ҳисса қўшмоқда.

Рамазон ойининг кўтаринки руҳда ўтиши ҳам халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаб, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини янада зиёда қилади. Бинобарин, юртдошларимиз бу ойнинг баракасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлсин, мўминлар қалбига хурсандчилик ва шодлик кирсин деб кўпроқ хайр-саховат қилишга, закотини беришга ошиқади. Ногиронлиги бор, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ҳамда кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват улашади. Беморларнинг ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтаради.

Шу ўринда, бу борада бир тавсияни бўлишмоқчиман: маҳаллангиздаги дўконда сотувчининг қарзлар дафтарида бева-бечоралар ҳамда камбағаллар харид қилган, лекин пули тўланмаган маҳсулотлар рўйхати ёзилган. Сиз ўша қарзларни ёки уларнинг бир қисмини ёпиб, дафтардан уларнинг исмини ўчиртириб юборинг. Ўша маблағ сиз учун арзимасдир, аммо айримлар учун тўлаш оғир бўлган ишдир. Аслида бу бир тавсия, холос. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонларга кимнинг қандай ёрдами тегса, савоблар кўпайтириб бериладиган Рамазон ойида ана ўша ишга шошилмоғи зарур.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам: *“Рўза тутган кишининг уйқуси ибодат, сукут сақлаши Аллоҳга тасбеҳ, қилган амалининг савоби кўпайтириб берилади, дуолари ижобат ва гуноҳлари кечирилади*”, деб марҳамат қилдилар” (Имом Байҳақий ривояти).

Ҳадиси шарифда *рўзадорнинг дуоси мақбулдир* дейилди. Чунки инсон Аллоҳ таоло учун нафсининг орзуларини тарк этгани боисидан дуоси ижобат қилинади. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ ойда чин қалбдан, астойдил дунё ва охират саодатини сўраб, дуолар қилишимиз керак.

Фазилатли ойда тутадиган рўзаларимиз қабул, адо этадиган ибодатларимиз мақбул ва дуою илтижоларимиз мустажоб бўлишини Ҳақ таолодан сўраймиз.

Аллоҳ таоло бутун халқимизга қутлуғ ойни муборак айласин, диёримиздаги тинчлик-хотиржамлик неъматини бардавом қилсин, дуою илтижоларимизни ўз даргоҳида қабул этсин.

Барчамизга фазилатли Рамазон ойи муборак бўлсин!

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

---

**Байрам шукуҳи**

# НАВРЎЗ ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ ГЎШАЛАРИДА НИШОНЛАНЯПТИ

Наврўз байрами Буюк Британиянинг қадимий университетида ҳам нишонланди.

Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми билан биргаликда Кембриж университетида Наврўз байрами тантаналарини кенг нишонлади ва Ўзбекистондаги ислоҳотларга бағишланган брифинг ташкил этди.

Байрам тадбирида Кембриж университети профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, талабалар, шунингдек, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари дипломатик корпуси вакиллари ҳамда ватандошлар қатнашди.

Брифинг давомида дипломатик ваколатхона ходимлари томонидан Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатда олиб борилаётган конституциявий ислоҳот мазмун-моҳияти ҳамда минтақавий барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсати юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Кембриж университетининг анжуманлар залида уюштирилган байрам тадбирида икки юздан зиёд меҳмонлар иштирок этди. Университет талабалари ва Марказий Осиё ижодий жамоалари томонидан фольклор томошалар, шунингдек, миллий куй ва қўшиқлар намойиш қилинди. Бундан ташқари, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари ва сайёҳлик салоҳияти кўргазмаси ҳамда миллий таомлар фестивали ўтказилди.

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми директори Сидхарт Саксена Ўзбекистон элчихонасига университетда Наврўз байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга бошқош бўлганлиги учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Унинг сўзларига кўра, Наврўз байрами Марказий Осиё давлатлари томонидан “бир оила” сифатида дунёнинг барча гўшаларида нишонланиши янги Ўзбекистоннинг энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. “Қўшни давлатларнинг умумий тарихи, ўхшаш маданияти ва тилларини инобатга олган ҳолда Наврўз байрамини нишонлаш кўп жиҳатдан бирлаштирувчи омил бўлиб, минтақанинг халқаро майдонда тан олинишини оширишга хизмат қилади”, деди у.

**«Дунё» АА.**
Лондон

# МАФТУНКОР ТУЙҒУЛАР ШОДИЁНАСИ

*Тошкент вилоятидаги барча туман ва шаҳарларда сумалак базми, халқ сайли, турли спорт мусобақалари бир-бирига уланиб, яшариш ва янгиланиш айёми қувончи диллардан-дилларга кўчмоқда. Бу тадбирларда, албатта, вилоят “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари фаол ташаббус кўрсатяпти.*

Байрам арафасида Нурафшон шаҳридаги Ойбек номидаги МФЙда яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хайрия совғалари топширилди.

— Бундай удум ва мурувватпешаликнинг мен учун дунёда қиёси йўқ, — дейди ушбу маҳалладаги Мирзо Улуғбек кўчасида яшовчи 72 ёшли ёлғиз қария Клара Гончаренко. — Айниқса, нуроний ёшда ёлғизланиб қолганингда меҳр тўла қалбларга муҳтожлик сезаркансан. Баҳор байрами ўзидек гўзал ва мафтункор туйғуларни улашганидан беҳад мамнунман.

— Давлатимиз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликдан доимо бахтиёрмиз. Яратганга шукр, Наврўз баҳонасида оғзимиз кўкка тегди, сумалак тановул қилдик. Азалдан қадр топган халқимизнинг бир-бирига меҳр-оқибати ҳеч қачон ўлмасин, — дейди 82 ёшли онахон Гулсара Анорбоева.

Тадбирлар давомида барча эҳтиёжманд кишиларга совғалар улашилиб, моддий рағбатлантирилди.

Чирчиқда эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар бўлиб ўтди. Шаҳар маҳаллаларидан таклиф этилган ёшлар шахмат-шашка, волейбол мусобақаларида маҳорат ва иқтидорини намоён этди. Ғолибларга “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг эсдалик совғалари топширилди.

Пискент туманидаги ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, рус, татар миллатига мансуб аҳоли бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган “Истиқлол” МФЙда ҳам Наврўз тадбирлари қизғин ўтди. Маҳалла ёшлари ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилди. Шу билан бирга, маҳалла аҳли умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этиб, чор-атрофга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишди. Маҳалла кўчалари ободонлаштирилиб, дов-дарахтларга шакл берилди.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).**



**Нуқтаи назар**

***Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция — таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди. Бундан кўриниб турибдики, эндиликда таълим сифати ва ушбу соҳада фаолият юритаётган педагогларнинг нуфузи янада ошади.***



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# КЕЛАЖАК УЧУН ЭНГ КАТТА ИНВЕСТИЦИЯ

Қолаверса, ушбу Мурожаатномада ўқувчи-ёшларнинг камида иккита чет тилни билиши умуммиллий эътибор даражасига кўтарилиши ҳам айтилди. Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқишдан ташқари уларнинг касб-ҳунарларга, санъат ҳамда маданиятга қизиқиши янада кучаяди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда навқирон авлод учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Уларнинг ўқиши, илм-фан ёхуд тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қатор имтиёзлар, қулай шарт-шароитлар яратилаётир. Шундай экан, келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори саналган ёшлар ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши, замонавий илм-фан ютуқларини эгаллаши, мустақил фикрлай олиши, хорижий тилларни пухта билиши жуда муҳимдир.

Ривожланиш сари юз тутаётган мамлакатимиз ёшлари учун хорижий тилларни билиш долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода жорий йилнинг январь ойида давлатимиз раҳбари раислигида мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда ҳам чет тилларни ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хўш, чет тилларини ўрганиш борасида, хусусан, таълим тизимида қандай камчиликлар бор? Мактабларда 1-синфдан 11-синфгача хорижий тиллар қай даражада ўргатилмоқда ва у талабга жавоб берадими? 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилини нега мукаммал эгаллай олмаяпти?

Хорижий тил ўқувчиларининг асосий концепти эркин ва креатив фикрлашга қаратилган бўлиши, ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва чет тили бўйича мавжуд билим базаси хатосиз ташхис қилинган ҳолда ўқитишнинг мақбул методик ёндашуви ишлаб чиқилиши ва муайян соҳага йўналтириб ўқитиш кутилган натижаларни беради. Бу жараёнда устоз-муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, таълимга дахлдор барча мутахассислар фаол бўлиши ва бу кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши талаб этилади.

## Таълим ва тарбия сифати талаб даражасидами?

Таъкидлаш лозимки, таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида деб бўлмайди. Хабарингиз бор, 2012 йилда 1-синфдан бошлаб хорижий тилни ўрганиш йўлга қўйилганди. Олий таълим муассасаларида "PRESETT" дастури асосида ўқитиш ва тил кўникмаларини ривожлантириш амалга ошириш бошланган эди. Бугун ўша 1-синфларда ўқиган фарзандларимиз умумтаълим мактабларини тамомлаб, айримлари олий ўқув юртларига кирди.

Хўш, бугун уларнинг чет тили бўйича ўзлаштириш даражаси талабга жавоб берадими? Бу методик ёндашувнинг самараси қандай бўлди? Кутилган натижани бердими?

Тўғри, бу борада бир қатор ютуқларга эришилгани шубҳасиз. Авваламбор, хорижий тилни ўрганишнинг шахс фаолиятидаги ҳамда жамият олдидаги аҳамияти ёшлар онгига сингдирилди. Ёшларимиз тилни билиши натижасида ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларида ўқиш имконияти яратилди. Тил ўрганишга қизиқиш олдингидан сезиларли даражада кучайди ва оммалашди.

Аммо бугунги таҳлилларга кўра, бир қадар ютуқлар бўлгани эътироф этилсада, барчамизни ташвишга соладиган жиҳатлар ҳам анчагина эканлиги аён бўлиб бормоқда.

Масалан, Жиззах вилоятида 16 мингга яқин битирувчиларнинг бор-йўғи 300 нафари имтиёзли чет тили сертификатини эгаллашини ҳам яхши кўрсаткич деб бўлмайди. Бу имтиёзли сертификат олганлар, асосан, инглиз тилини чуқур ўрганувчилар, аммо физика, химия ва бошқа фанларни танлаган ўқувчилар-чи?

Бугун давлат раҳбари битирувчи ўқувчилар камида иккита хорижий тилни билиши зарурлигини уқтирмоқда. Афсуски, кейинги йилларда инглиз тилидан бошқа тилларни ўрганиш рағбатлантирилмади. Олдинги йўл қўйилган хатолар бу тилларни мактабларда деярли ўқитилмасликка олиб келди.

Ҳозирги пайтда Жиззах вилоятида 17 нафар француз тили ўқитувчиси, 23 нафар немис тили ўқитувчиси фаолият юритади, холос. Бирон-бир мактабда шарқ тилларини, жумладан, хитой, корейс, япон тилларини ўрганиш йўлга қўйилмаган. Шу маънода, ўқувчининг мактабда иккита хорижий тилни ўрганиши учун ҳам ташкилий, ҳам амалий имконият мавжуд эмас. Қолаверса, вилоят олий таълим муассасаларида инглиз тилидан бошқа тиллар бўйича мутахассислар тайёрланмайди.

Фикримизча, олийгоҳларда бошқа хорижий тилларни ҳам ўқитиш ва мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарур. Жумладан, француз, немис, хитой, япон, корейс тиллари бўйича мутахассислар тайёрловчи бўлимларни йўлга қўйиш, бундан ташқари, бу тилларни иккинчи тил сифатида ўқитишни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, инглиз-француз, инглиз-немис, инглиз-хитой, инглиз-япон, инглиз-корейс ихтисослигини бериш амалиётини жорий этиш ҳам самара беради деб ўйлаймиз.

Умуман, хорижий тилларни самарали ўқитишнинг калити — замонавий билими эгаллаган, савияли хорижий тил кўникмасига эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқдир.

> *Президентимиз томонидан касбга йўналтириш масалалари бўйича белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш учун умумий ўрта таълим мактабларида касбга ўргатиш марказлари ташкил этиб, 10 ва 11-синф ўқувчиларига касбий тайёргарлик таълими бериш, узлуксиз таълим тизимини йўлга қўйиш долзарб масала ҳисобланади. Касбга йўналтириш ишларини такомиллаштириш учун умумий ўрта таълим мактаблари қошида мавжуд ўқув моддий-техника базасини қайта кўриб чиқиб, туманлар кесимида касбга ўргатиш марказларини очиш талаб этилади.*

## Ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижалари

Бугунги кунда Жиззах давлат педагогика университетида бир ярим мингдан ортиқ талабалар чет тилларни ўрганмоқда. Хорижий тиллар факультетида асосий мутахассислик фани сифатида инглиз тили, иккинчи тил сифатида эса немис ва француз тиллари ўқитилмоқда.

Айни чоғда нофилологик факультетларда ҳам чет тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларимиз хорижий тилларни билиш даражасига, яъни халқаро ва миллий квалификация, жумладан, "IELTS", "CEFR", "APTIS", "TKT", "CELTA", "TESOL" каби сертификатларни олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда ушбу сертификатга эга профессор-ўқитувчилар, талабалар рағбатлантирилиб борилаётир.

Университет ва Британия Кенгаши билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида Жиззах давлат педагогика университетида "IELTS" имтиҳонлари ўтказилмоқда. Шартномага кўра, жиззахлик талабалар, абитуриентлар, профессор-ўқитувчилар Жиззах шаҳрининг ўзида ушбу халқаро имтиҳонни топшириш имкониятига эга бўлди.

Университет профессор-ўқитувчилари олий таълим тизимида хорижий тиллар ўқитиш узвийлигини таъминлаш, таълимнинг барча йўналиши учун ўқув адабиётлар ва дарсликларнинг янги авлодини чет эллик ҳамкорлар иштирокида яратиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларни хорижий давлатларга илмий стажировкаларга ва малака ошириш курсларига юбориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади ҳамда бу борада жаҳондаги нуфузли халқаро университетлар билан ҳамкорликда ишлар амалга оширилмоқда.

Университетимиз кўплаб хорижий ҳамкорлар билан яқин илмий алоқаларни йўлга қўйган. Жумладан, Буюк Британиянинг Норвич ва Портсмуд, Франция, Туркия ва Қозоғистоннинг бир нечта университетлари, Россия Федерациясининг Москва ва Тула давлат педагогика университетлари ҳамда бошқа кўплаб олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Яна бир муҳим масала шундаки, олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўртасидаги алоқани кескин даражада кучайтириш лозим. Халқаро (PISA, PIRLS, TIMSS, EGMA, EGRA) дастурлар талаблари тўғрисида ҳамда ўқувчиларни мазкур тадқиқотларда қатнашишга тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари ўқитувчи-ўқувчилари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир шаҳар ва туманимиздаги биттадан умумтаълим мактабида иккинчи хорижий тилни ўқитиш йўлга қўйилиб, ўқувчи-ёшларни замонавий касбларга ўргатиш бўйича режалаштирилган тажриба-синов мактаблари — Дўстлик, Зомин туманлари ва Жиззах шаҳридаги 10 та умумтаълим мактабида амалга ошириладиган бўлди.

Илмий-методик ишларга мактаб ўқитувчиларини жалб қилиш, халқаро баҳолаш дастурларига тайёрловчи "stesting.uz" платформаси орқали умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини "PISA", "PIRLS", "TIMSS" онлайн тайёргарлик синовларида иштирок этишини таъминлаш ҳам яхши натижа беради деб ишонамиз.

Мактаб ўқувчилари ўртасида "Spelling Bee", "Brilliant Minds" фан олимпиадаларини ўтказиш, мактабдан хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ўқувчиларни саралаб олиб, хорижий тилда "CLIL" (Content and Language Integrated Learning) технологияси асосида ўқув жараёнини ташкил этишга устувор аҳамият қаратилиши лозим. Қолаверса, мактаб ўқувчиларида танқидий фикрлаш (Critical thinking); коллаборация (Team Work — жамоавий ишлаш); креативлик (Creativity — ижодкорлик); коммуникация (Communicative skills — мулоқот кўникмалари)ни шакллантирувчи методлар юзасидан баҳс-мунозара ўтказиш, хорижий тилларни ўқитишда "blended learning", "flipped learning" технологияларидан самарали фойдаланиш орқали ўқув жараёнида олий таълим муассасалари ўқитувчилари мактаб ўқитувчилари билан ёнма-ён фаолият юритиши яхши самара беради.

Хорижий тиллар таълим йўналиши битирувчи курс талабаларини таълим муассасаларида "CLIL" ёндашуви бўйича ишлашига шароит яратиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун битирувчи курс талабалари ўқув жараёнини ташкил қилишда дуал таълим принципларини жорий этиш тавсия қилинади, яъни табиий фанлар ёки аниқ фанлар йўналишини битираётган талабага хорижий тиллар қўшимча квалификацияси берилиши натижасида, дейлик, биология фанини инглиз тилида ўқитадиган мутахассис етишиб чиқишига имконият яратилади.

## Эзгу мақсадларга билим орқали эришилади

Бугунги замонавий дунёда компьютер таржимонлар, турли дастурлар ва овозни аниқлаш технологияларидаги ривожланиш шарофати билан хорижий тилларни ўрганиш имконияти янада кенгаймоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида қатор тил марказлари фаолият олиб боряпти.

Жумладан, олий таълим муассасалари қошида ҳам хорижий тилларни ўрганишга қаратилган марказлар ёшлар хизматига шай турибди. Бу эса ёшларнинг хориж тилларини пухта ўрганиш, ўз соҳасига оид халқаро тажрибаларни эгаллаш имкониятларини кенгайтиради.

Масалан, мактаблар қошида очилган касбга ўргатиш марказлари ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг самарали йўлидир. Бироқ давлатимиз раҳбари соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича танқидий фикрларни билдирар экан, шароит ва мутахассислар йўқлиги сабабли ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмаганлигини, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётганини афсус билан таъкидлади. Шу боис ҳам мактабларда касб-ҳунар устахоналари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Бугун одамларни иш билан таъминлаш, бирор фаолият турига жалб этишнинг энг самарали йўли — уларни касб-ҳунарга ўқитишдир. Мактаб ўқувчисига ҳаётида асқатадиган бирор-бир ҳунарни ўргатиш, эгаллаган касби бўйича бўш иш ўрни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни касбга қайта тайёрлашга зарур шароитлар яратилган. Мактаблар қошида ташкил этиладиган мономарказлар фаолияти ўқувчи ёшларни касб-ҳунар, хорижий тил курслари, рақамли технологияларга ўқитишга йўналтирилгани билан катта аҳамиятга эга. Хўш, уни ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Энг аввало, Президентимиз томонидан касбга йўналтириш масалалари бўйича белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш учун умумий ўрта таълим мактабларида касбга ўргатиш марказлари ташкил этиб, 10 ва 11-синф ўқувчиларига касбий тайёргарлик таълими бериш, узлуксиз таълим тизимини йўлга қўйиш долзарб масала ҳисобланади. Касбга йўналтириш ишларини такомиллаштириш учун умумий ўрта таълим мактаблари қошида мавжуд ўқув моддий-техника базасини қайта кўриб чиқиб, туманлар кесимида касбга ўргатиш марказларини очиш талаб этилади.

Эътиборлиси, бунда ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда касбий билимлар бериш асосида меҳнат, касбий кўникма ҳамда малака маҳоратини эгаллаши таъминланади. Қолаверса, касбга ўргатиш марказларида тегишли касб-ҳунарнинг турига кўра ҳудуддаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари асосида амалий машғулотлар йўлга қўйилади.

Мазкур йўналишдаги касбга ўргатиш маркази ишини фаоллаштириш учун қатор имтиёзлар бериш, жумладан, ўқув курсларини давлат ҳисобидан ташкил этиш, молиялаштиришни давлат ва маҳаллий бюджетдан таъминлаш, халқаро малака сертификатини олган ҳар бир ўқитувчи учун қўшимча устама белгилаш, қўшимча бинолар қуриш ва мактаб тасарруфидан ташқари бўш биноларни узоқ муддатга ижарага бериш, хориждан келтириладиган адабиётлар ва ускуналарни имтиёзли харид қилиш каби енгилликлар берилишини назарда тутиш мақсадга мувофиқ, албатта.

Ҳар бир мактабнинг ҳудудий жойлашувини ҳисобга олиб, касбга ўргатиш марказларида ихтисосликлар бўйича касбларга тайёрлаш, шунингдек, 3 та хорижий тил, тадбиркорлик кўникмалари, компьютер дизайни дастурлари бўйича ўқув курслари ташкил этилади. Ўқув курси давомида жами 100 — 120 соатли касбий тайёргарлик таълими берилиб, якунда тегишли ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилади.

Касбга ўргатиш марказларини муваффақиятли тугатган ўқувчиларга тегишли ихтисосликлар бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи Касбий малакани баҳолаш марказидаги синовлари асосида тегишли сертификат берилиши кўзда тутилади. Мазкур сертификат мутахассиснинг касбий маҳоратини тавсифлаб, аҳамиятли жиҳати, ўрта махсус касб-ҳунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади ва эгаллаган билимларини меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

## Тарбиянинг мағзи ва мазмуни

Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган касбга ўргатиш марказларида касбий тайёргарлик таълимини амалга ошириш, асосан, технология таълими ўқитувчилари зиммасига юкланади. Аммо ҳозирда тайёрланаётган технология таълими ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг 10 ва 11-синфлари ҳамда касб-ҳунар мактабларида касбий тайёргарлик таълими бўйича дарс машғулотлари олиб бориш учун етарли даражада касбий тайёргарликка эга эмас.

Шу боис ҳам технология таълимини технология ва дизайн, сервис хизмати кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги асослари йўналишлари базасида ёшларга касбга ўргатиш марказларида дарсларни уюштириш ва ўтказишни уддалай олишга қаратилган касбий тайёргарлик таълими ихтисосликларини очиш бугунги кун талабидир. Қолаверса, бундай ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган ўқув режаларига бевосита технология таълимига боғлиқ бўлган касбий тайёргарлик таълими ихтисосликларини қамрайдиган ўқув фанларини киритиш лозим бўлади.

Меҳнат тарбияси — тарбиянинг мағзини, мазмунини ташкил этади. Барча халқларнинг энг илғор анъаналари меҳнат жараёнида пайдо бўлиб такомиллашади. Меҳнат анъаналарининг таянчи сифатида ёшларни ҳаётга, ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятга тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз ёшлар тарбиясида Технология фанига ҳаётий эҳтиёж сифатида қарашимиз билан ўқувчини бетартиблик ва дангасаликка чалинишининг олдини олибгина қолмай унинг келажакдаги маълум бир касб эгаси бўлишига замин яратамиз. Акс ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлод ўз ҳолига ташлаб қўйилса, меҳнатга бўлган табиий интилиш сўнади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 10 мингдан ортиқ умумий ўрта таълим мактабларини ҳар йили 500 мингга яқин ўқувчи-ёшлар битириб, уларнинг 30 фоизи таълимнинг кейинги босқичларида (олий таълим муассасаларида) ўқишни давом эттиришади. Қолган 70 фоиз битирувчилар ўзларининг меҳнат фаолиятларини бошлаши ёки профессионал таълим муассасаларида касб-ҳунар ўрганишлари учун умумтаълим мактабларида Технология фанига ажратилган соатлар ҳажми, ўқув дастури мазмунини хорижий мамлакатларнинг таълим дастурлари асосида тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Шу ўринда яна бир саволни ўртага ташламасликнинг иложи йўқ. Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ўқитилаётган ушбу фан дастури мазмуни ўқувчиларга дастлабки ҳаётий касбий кўникмаларни эгаллаши учун талабга жавоб берадими?

Маълумотларга кўра, ўқувчи-ёшларга мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида Россияда Технология фани ўқув дастури мазмунига "Конструкцион буюмлардан материаллар ясаш" (22 соат), "Чизмачилик ва графика" (10 соат) каби мавзуларни ўқитиш орқали касбий кўникмалари шакллантирилса, Беларусь мактабларида эса "Веб-сайтларни яратиш ва конструкциялаш" (6 соат), "Тадбиркорлик асослари" (10 соат) каби мавзулар, Қозоғистонда "Ёғочга қўлда ишлов бериш" (7 соат), "Металларга қўлда ишлов бериш" (8 соат) каби мавзуларни ўқитиш орқали касбга йўналтириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Бундан кўринадики, ривожланган хориж мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон умумий ўрта таълим тизимида 1 — 11-синфгача Технология фанини киритиш ҳамда унга ҳафтасига камида 2 соатдан ажратиш, ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аслида ҳам билим ва кўникма бир нуқтада бирлаштирилгандагина меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, ялпи ички маҳсулотнинг ортишига хизмат қиладиган кадрлар шаклланишига эришиш мумкин. Мактабларда касб-ҳунар таълими эса айни мақсадларнинг амалга ошишига хизмат қилади.

Тан олиш керак, илгари касб-ҳунар коллежлари фақат диплом беради дея танқид қилинарди. Бу кинояли ибора замирида ҳақиқат учқунлари ҳам йўқ эмас. Аслида бундай таълим масканларида билим, амалий кўникма, ҳар қандай янгиликни қабул қила олиш ва мослашиш қобилияти шакллантирилиши лозим эди. Минг афсуски, жараён синф хонасидан ташқарига чиқмади. Ёшлар фақат назарий билим билан чекланиб қўя қолди. Мактабларда ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш, ўз соҳаси бўйича бевосита жараённинг ўзида иштирок этиб, кўникма ҳосил қилиш эса тамомила бошқа масала.

Умуман олганда, бугунги кунда таълим ва касбга тайёрлаш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Аммо бу билан чекланмасдан, бу борадаги ишларни халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, янада такомиллаштириб бориш давр тақозосидир.

**Шавкат ШАРИПОВ,**
**Жиззах давлат педагогика университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

**Китоб жавонингизга**

## «ЭЗГУ ЯНГИЛАНИШЛАР МАМЛАКАТИ»

*"Эзгу янгиланишлар мамлакати" китобида янги Ўзбекистонда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, уларнинг моҳияти халқ турмуш даражасини оширишга, инсонлар тафаккуридаги юксалишларга замин бўлаётгани теран таҳлил этилган мақолалар жамланган.*

*Китоб муаллифи Ўткир Раҳмат.*




Дарҳақиқат, ўтаётган ҳар бир кунимиз мамлакатимиз тарихи зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ "Инсон қадри учун" деган эзгу ғоя асосида мамлакат ҳаётининг ҳар бир жабҳасини тубдан янгилашга киришди.

Барча ҳудудларда Халқ қабулхоналари очилгани, Президент, Бош вазир, турли вазирлик ва идоралар, ҳокимларнинг виртуал қабулхоналари фаолият юрита бошлагани, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоянинг ҳаётга кўчгани мамлакатимизда янгича муҳитни юзага келтирди. Одамларда эртанги кунга ишонч, муаммоларини ҳал этиш ва орзулари рўёби сари интилиш барқ ура бошлади.

Матбуот ва сўз эркинлиги ошгани, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат идоралари, турли ташкилотлар фаолиятида очиқлик ва ошкоралик, шаффофлик, ҳисобдорлик кучайгани мамлакатимизнинг демократик қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга туртки бўлаётир.

Миллий иқтисодиёт дунё андозаларига мос ҳолда ислоҳ қилинмоқда. Ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсати либераллаштириляпти. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш замонавий механизмлари яратилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги конлар очиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг адолатли, инсонпарвар тамойиллари, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" каби ўзига хос ноёб механизмлар жорий этилгани боис аҳоли бандлиги ошиб, камбағаллик изчил қисқариб бормоқда.

Одамларнинг кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитларига эга бўлгани, ҳаётга инновацион ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кириб келгани боис турмуш даражаси ҳам муттасил юксалиб бормоқда.

Китобга киритилган мақолалар ана шундай жонли мисолларга, ҳаётий деталларга, мулоҳаза, мушоҳада ва фактларга бой. Муаллиф ислоҳотларнинг қайси бир қирраси ҳақида фикр юритмасин, уларнинг ҳар бирида жуда мустаҳкам ички мантиқ, ҳаётийлик, кучли самимият устуворлик қилади. Ушбу публицистик асарларда юртимиз ва хориж экспертларнинг, сиёсатчи ва мутахассисларнинг таҳлиллари, кузатувлари, илмий хулосалари берилгани уларнинг ишончлилигини, таъсирчанлигини янада оширган.

Умид қиламизки, халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг эл-юрт тақдирига дахлдорлик, ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтиришда мазкур китоб катта аҳамият касб этади.

## «БИРИНЧИ РЕНЕССАНС АЛЛОМАЛАРИ»

*Илм-фан билан астойдил шуғулланаётган олимлар — фан докторлари, профессорлар, академиклар ҳамкорликда тайёрлаган мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистон замини тарихда буюк Уйғониш даврларига бешик бўлгани, дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган беназир мутафаккирларни етиштириб бергани қаламга олинган.*




Шунингдек, унда мамлакатимиз раҳбари томонидан янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва учинчи Ренессансга мустаҳкам замин яратиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ҳам сўз боради.

Ушбу қўлланма Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, барча таълим муассасалари, хусусан, олий ўқув юртлари, ташкилот ва идоралар, ҳар бир хонадонга кириб борса, нур устига аъло нур бўлади, деб ишонамиз.

## «АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ»




Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг мазкур романида юртимизнинг даҳо алломаси Абу Райҳон Берунийнинг ёркин шахсияти, буюк кашфиётларининг яратилиш тарихи билан бирга, ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган воқеалар, шунингдек, ҳукмдорлар Кобус ибн Вушмгир, хоразмшоҳ Маъмун, султон Маҳмуд Ғазнавий билан муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Асар кутубхонангиздан муносиб жой эгаллайди, деган умиддамиз.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.55 Топширилди — 04.10 1 2 3 4 5 6